

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83
ТИЛШУНОСЛИК	
А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларида бири	88
М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
Ҳ.ЗАКИРОВА	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Б.УМУРЗАҚОВА	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортнинг назарий асослари	100
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
М.НАЗАРОВ	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтаъсир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
А.АБДУХАЛИМОВ	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
С.СОДИҚОВ	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
А.САБИРДИНОВ	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
В.ГИЁСОВА	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида	124
М.ШОКИРОВА	
“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
А.АСИМОВ	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
Д.ҚАМБАРОВА	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили	135
М.ДИЛБАРЖОНОВА	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида	138
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъат машғулотида орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси	140
Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули	145
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	147

ЧЎЛПОННИНГ “КЕЧА ВА КУНДУЗ” РОМАНИГА ЧИЗГИЛАР

А.Сабирдинов

Аннотация

Мақолада Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги мустамлакачиликни қоралаш ғояси ёритилган.

Аннотация

В статье освещается идея обвинения политики колонизации в романе «Ночь и день» Чулпана.

Annotation

The article illuminates the prosecution idea of colonization policy in the novel “Night and Day” by Chulpan.

Таянч сўз ва иборалар: роман, ғоя, бадиият, характер, мустамлакачилик сиёсати, миллий руҳ, диалогия.

Ключевые слова и выражения: роман, художественность, характер, колониальная политика, национальный дух, диалогия.

Keywords and expressions: novel, idea, artistic, character, colonization policy, national spirit, dilogy.

Ўзбек адабиётининг улуғ дарғаларидан бўлган Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон асарлари чуқур миллий руҳи, самимияти, юксак бадиий савияси билан ажралиб туради. Адибнинг миллатга чексиз муҳаббат, мустамлакачиликка нафрат ғоялари сингган озодликни улуғловчи ижод намуналари халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Унинг “Кеча ва кундуз” романи ёзувчи ижодининг гултожи – адабиётимиз дурдонаси ҳисобланади. Роман–диалогиянинг биринчи китоби – “Кеча” 1936 йилда Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган. Бунгача асардан айрим парчалар 1935 йилда “Совет адабиёти” ва “Гулистон” журналларида эълон қилинган. Романнинг “Кундуз” деб аталган кейинги қисмининг ёзиб тугатилгани ва нашр этила бошлангани ҳақида гаплар юрса-да, уларни тасдиқловчи ҳужжат йўқ. Чўлпон қамоққа олинганида, у билан бирга “тугалланмаган роман қўлёзмаси” ҳам олиб кетилган. Ушбу қўлёзманинг тақдири эса номаълум. Балки бу, “Кундуз” бўлиши мумкин, деган тахминлар бор.

Романда Биринчи жаҳон уруши давом этаётган даврда чор Россияси мустамлакаси бўлмиш Туркистон ҳаёти тасвирини топган. Роман воқеалари Андижон шаҳри ва унинг атрофида бўлиб ўтади. “Кеча ва кундуз” мавзу ва йўналишига, муаллифнинг ёндашувига кўра, айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар”ининг давомидир. Асарда ХХ аср бошидаги Туркистон ҳаёти, турғунлик ва тутқунликда мудраган ўлкадаги уйғониш лавҳалари қаламга олинади” [1.452-453]. Профессор Д.Қурононов романнинг яратилишига туртки берган муҳим омил ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни

таъкидлайди: “Фикримизни ойдинлаштириш учун тематик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган “Кеча” ва “Қутлуғ қон” романларига бир қургина қиёсий назар ташлаш фойдали. Ҳар икки роман ҳам жамиятнинг муайян босқичидаги ҳолатидан “қониқмаслик” ёхуд унга нисбатан “исён” натижаси ўлароқ яратилган. Дейлик, социалистик идеалларга чин дилдан ишонган Ойбек руҳиятига 30-йиллар воқелиги қаттиқ таъсир қилган: адиб онгида зиддият ва чигалликлар (идеалларида шубҳаланиш) пайдо бўлганки, уларни ҳал қилиш учун яқин ўтмишни бадиий тадқиқ этишга жазм қилган... Айтмоқчимизки, ҳар икки романнинг яратилишига туртки бўлган ички эҳтиёж жамият ҳаётини кенг-кўламда бадиий тадқиқ этишу шу асосда дунёю давр концепциясини бутлаш орқалигина қондирилиши мумкин эди. Айни шу мулоҳазалардан келиб чиқиб яна бир карра таъкидлаш мумкинки, 30-йилларга келиб Чўлпон руҳиятида вужудга келган ички эҳтиёж фақат роман жанри орқалигина тўла қондирилиши мумкин эди” [2.113-114].

Романнинг дастлабки сатрлари “Ҳамал келди, амал келди” деган сўзлар билан бошланади. Сўнг илк баҳор кунларининг гўзал манзараси тасвирланади. Ёзувчи ушбу тасвир билан мустамлака Туркистоннинг озодлиги яқинлашиб келаётганлигига ҳам ишора қилаётгандек бўлади: “Ҳар йили бир келадиган баҳор севинчи яна кўнгилларни қитиқлай бошлади. Яна табиатнинг дилдираган танларига илиқ қон югурди... Толларнинг кўм-кўк сочпоуклари қизларнинг майда ўрилган кокилларидай селкиллаб тушмоққа бошлади. Муз тагида лойқаланиб оққан сувларнинг

А.Сабирдинов – ФарДУ, филология фанлари доктори.

гамли юзлари кулди, ўзлари ҳорғин-ҳорғин оқсалар-да, бўшалган кул сингари эркинлик нашъидасини кемира-кемира илгари босадилар” [3.4]. Сўнг асарнинг асосий қаҳрамонларидан бири Зеби (Зебинисо)нинг киши ичи сиқилиб, занглаб чиққан кўнгли баҳорнинг илиқ ҳовури билан очила тушгани, ... аллақайларга – тала-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлагани, ўртоғи Салти (Салтанат)нинг қистови билан отаси Раззоқ Сўфидан минг машаққат билан рухсат олиб кишлоққа отланишлари тасвирланади. Баҳор ташрифи билан боғлиқ эркинликка чиқиш ҳақидаги алдоқчи истак Зебини Раззоқ сўфининг қамоғидан олиб чиқиб, янада қаттолроқ зиндон – Акбарали мингбоши хонадонига банди қиладики, бу билан ёзувчи чор Россиясининг мустамлакасидан кейин келадиган большевикларнинг Туркистондаги қатағонга асосланган ҳукмронлигига ҳам ишора этаётгандек бўлади.

Зебининг Акбарали мингбошига тўртинчи хотин бўлиб узатилиши, кундошлар ўртасидаги зиддият ва бунинг натижасида унинг айбсиз айбдорга айланиши можаролари романда реалистик тасвирини топади. Акбарали мингбоши хотини Пошшоҳон томонидан захарлаб ўлдирилгач, чор маъмурлари бу жиноятга катта сиёсий тус берадилар. Жиноятчини топишга ҳафсала қилмаганлари ҳолда Зебини қаттиқ жазолашга бел боғлайдилар. Терговнинг бошлашлари билан боғлиқ сабаблар шундай акс этади: “Шу билан улар янги фатҳ этилган ўлкада ва янгигина бўйинсунган “ваҳший” халқ орасида жуда яхши ва зийрак сиёсат юргизиб, ўша халқ орасидан шундай эслик ва тадбиркорлик, тожу тахтга нисбатан шундай содиқ ва астойдил маъмур етиштирганликларини ўзларидан юқори амалдорларга кўрсатмак истадилар. Буларнинг шунча йиллар зўр бериб зўрға-зўрға етиштирган зийрак давлат одамларини осонгина (кучала билан!) ўлдириб кета берсалар, ўлкада тутилган сиёсатнинг ва ҳам у сиёсатни амалга оширувчиларнинг бир чақалик обрўси қоладими? Айниқса, ерли халқ ўртасида? Сиёсатнинг обрўсизлиги нима

демак? Идора усулининг обрўсизлиги эмасми? Ҳиндистонга қўшни ва дарвоза бўлган бир мустамлакадаги сиёсатга тўқис-туғал обрў таъмин этилган бўлиши керак. Йўқса – натижа ёмон! Қўрқинч!!!” [3.251]. Акбарали мингбоши ўлдирилганлигининг учинчи куни Тошкентдан Ўлка ҳарбий судининг сайёр ҳайъати етиб келади. Сўроқнинг ўзи эса сайёр ҳайъатнинг етиб келишидан ҳам тез ўтади. Тилмочнинг пичинг билан гапиришига кўра, “Мундай шошилиш суд уруш майдонларида бўлмаса, бошқа жойда бўлишига ақл етмайди”. Зебининг адвокатлари Закунчи ва Обрезқори ҳам ўзлари жиноятчи бўлганлари ҳолда бир бегуноҳнинг тақдирини ҳал этишга давлат идоралари томонидан масъул этилганлар. Уларнинг бири давлат хазинасидан кўпгина пулни ўмарган бўлса, иккинчиси “босма қилишдан ҳам тоймайдиган” шахс.

Айблов протоколи ҳафсаласизлик ва шошма-шошарлик билан ёзилган. Унда “Акбарали” деган сўз бир жойда “Умарали”, яна бир жойда “Амир ўғли”, яна бир жойда “Қамбар вали” бўлиб ёзилган. Ёзувчи бу орқали мустамлакачиларнинг ерлик халқ тақдирига нописанд муносабатини кўради. Ушбу ҳолатни Чўлпон киноявий ифодаларда акс эттиради: “Инсоф қилиш керак: протокол ниҳоятда чиройли хат билан ёзилган. Қоғоз бетида худди поезднинг изларидай теп-текис кетади. Ҳаммадан ҳам “д” ва “б” ҳарфларини кўринг! Ҳайрон қоласиз! Қаерда “б” учраса қуйруғи ўннга қайрилган. Икковининг ҳам қуйруғи баландда, икковининг ҳам қуйруғи кулча бўлган илондай буралиб-буралиб ётади! Протокол эмас, томоша! Томоша!” [3.253]. Ёзувчи бу билан кирилл алифбосида ёзилган протоколнинг Зеби ҳаётини захарловчи кучга эгаллигига ишора қилади. Охир-оқибат Зеби айбдор деб топилиб, етти йилга Сибирга сургун қилинади.

Хуллас, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи мустамлакачилик сиёсатининг фирромликларини фош этувчи реалистик асар сифатида ҳам ўзбек адабиётида аҳамиятлидир.

Адабиётлар:

1. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: Маънавият, 2014.
2. Қуроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Шарқ, 2004.
3. Чўлпон. Асарлар. Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд. – Т.: Akademnashr, 2012.